O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY ...
INV. №

*Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2010 йил 31 март ЧОРШАНБА

№ 25 (12.245)

1928 йил 11 декабрда асос солинган | Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси | www.th.uz

ҚИШЛОҚ МУЛКДОРЛАРИ



## ЕР ҚАДРЛАГАННИ СИЙЛАЙДИ

**Қилни қирқ ёрадиган япон олимлари сувнинг шу пайтгача фанга номаълум бўлган "хислат"ларини кашф этишди. Қарангки, биз оби ҳаёт деб эъзозлайдиган оддий сув одамларнинг муносабатларини худди тирик жонзотлардек "фаҳмларкан" ва ўзи ҳам шунга яраша тусланаркан.**

Олимлар учта бир хил идишга сув қуйиб, ҳар куни маълум вақтда улар билан "мулоқот"да бўлишибди: биринчисини "сен яхшисан" деб мақташса, иккинчисини ёмонлаб, учинчисини эса, ҳақоратлаб боришибди. Орадан маълум вақт ўтгач, идишдаги сувлар олимларнинг муносабатларига яраша "жавоб қайтарадиган" бўлибди. Яъни ҳар куни мақтов эшитган сувнинг ранги тобора тиниқлашибди. Иккинчи идишдаги сувнинг туси хиралашибди. Махсус асбоблар учинчи идишдаги сувда одам яқинлашса, безовталанганга ўхшаш ўзгаришлар юз беришини қайд этибди.

– Ер ҳам шундай, – дейди чинозлик фермер Ҳабибулло Йўлдошев. – Қадрлаганларни сийлайди, хор қилганларни қуруқ қолдиради.

Ҳабибулло Йўлдошев – олий маълумотли муҳандис-мелиоратор. Ер илмини назарий жиҳатдан яхши билади. Аммо амалиёт билан уйғунлашмаган назариётдан нима наф?

Фермерлик ҳаракати равон йўлга тушиб олган 2006 йилда у назарияни амалиёт билан боғлади. Туман раҳбарлари унинг билимига ишониб, бошламасига 22 гектар ер ажратиб беришди. Қўлида биттаям техникаси йўқ янги фермер бутун оила аъзолари билан 10 гектар ерга пахта, 12 гектарга ғалла экди. Шартномаларнинг ҳамма бандларини ортиғи билан бажарди. Ишончни оқлагани учун 2008 йилда яна 21 гектар ер қўшиб беришди. 20 гектар ғалладан, 22,8 гектар пахтадан уруғликбоп ҳосил етиштириб берди. Ниҳоят, ўтган мавсумда ғалла ҳосилини 62 центнерга, пахтани 47 центнерга етказиб, тумандаги манаман деган фермерлардан ҳам ўзиб кетди.

Бор-йўғи тўрт йил ичида қандай қилиб шу даражада юксалишга эришилди? Бу ҳақда хўжалик раҳбарлари, мутахассислари ва оддий ишчиларнинг ўзларидан эшитган маъқул.

**ИЗЗАТИЛЛА БОЙЧАЕВ, механизатор:**

– Биз фақат пахта ва ғалла етиштирамиз. Пахтачиликда техникасиз ҳеч нарса қилиб бўлмайди. Раҳбаримиз 2006 йилда техниканинг қадри ўтганлигини ҳозиргача қайта-қайта эслаб турадилар. Фермерликнинг иккинчи йили банкдан 23,9 миллион сўм кредит олиб, Белоруссиянинг МТЗ-80Х русумли трактори харид қилингач, ишлар бироз енгиллашди. "Ўзингда йўқ – оламда йўқ", деганлари шу-да.

Ҳозир шароитларимиз мутлақо бошқача. Техникадан зориқмаймиз, ўзимизники етарли. Культиватордан тортиб, борона, чизелларгача бор. Аммо, Белоруссиянинг яна бир янги трактори бизни қизиқтириб қолди. Минск трактор заводида ишлаб чиқарилаётган "Белорус-12/21.2" русумли бу трактор универсал бўлиб, ер ҳайдашдан тортиб, яна уч-тўрт турдаги мавсумий ишларни бажаради. Ҳозир 136 от кучига эга шу техникани харид қилиш учун ҳужжатлар расмийлаштириляпти. Халқ банкининг вилоят бўлимидан 110,4 миллион сўм кредит олмоқчимиз.

(Давоми 3-бетда).

**СУРАТДА:** хўжалик раҳбари Ҳабибулла Йўлдошев иш юритувчи Ўктам Қўчқоров (ўнгда) ва механизатор Иззатилла Бойчаевга ерни чигит экишга тайёрлаш хусусида маслаҳат бераяпти.

**Даврон АҲМАД олган сурат.**

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*

**ФАРМОНИ**

## ХАЛҚ БАДИИЙ ҲУНАРМАНДЧИЛИГИ ВА АМАЛИЙ САНЪАТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИ ЯНАДА ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Халқ бадиий ҳунармандчилиги ва амалий санъатини ривожлантиришни янада қўллаб-қувватлаш, халқ ижодиёти соҳасига аҳолининг кенг қатламини, шу жумладан ёшларни жалб этиш учун қулай шарт-шароитларни таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Халқ бадиий ҳунармандчилиги ва амалий санъатини ривожлантиришни рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" 2008 йил 1 апрелдаги ПФ-3983-сонли Фармонининг 1-бандида назарда тутилган, уй шароитида халқ бадиий ҳунармандчилиги ва амалий санъати буюмларини ишлаб чиқариш бўйича якка тартибдаги меҳнат фаолияти билан банд бўлган шахслар томонидан қатъий белгиланган солиқни тўлаш юзасидан солиқ имтиёзининг амал қилиш муддати "Ҳунарманд" уюшмаси аъзолари – якка тартибдаги тадбиркорлар учун 2012 йилнинг 1 апрелигача узайтирилсин.

2. "Ҳунарманд" уюшмаси Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда бир ой муддатда мазкур Фармонда назарда тутилган солиқ имтиёзи татбиқ этиладиган "Ҳунарманд" уюшмаси аъзолари – бадиий ҳунармандчилик ва амалий санъат буюмларини уй шароитида ишлаб чиқариш бўйича якка тартибдаги меҳнат фаолияти билан банд бўлган шахслар рўйхатини аниқласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси юқорида кўрсатилган солиқ имтиёзининг тўғри қўлланилиши устидан қаттиқ назоратни таъминласин.

4. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р. С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
2010 йил 30 март.

## Вилоят ҳаёти

### АНГРЕН ШАҲРИ

#### МАҲОРАТ КЎРИГИ

**Шаҳардаги умумтаълим мактаблари ўртасида "Аждодлар мероси – келажак пойдевори" мавзусида кўрик-танлов бўлиб ўтди.**

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ташкиллаштирган танловда 73 та мактабдан 900 ўқувчи ғолиблик учун баҳслашди. Унда билимдонлик, фикрларни равон баён этишда бошқалардан устун эканлигини намойиш этган 72-мактаб жамоаси ғолиб бўлди.

### ЎРТАЧИРЧИҚ ТУМАНИ

#### ДАВРА ЁШЛАР БИЛАН ФАЙЗЛИ

**Туман саноат-сервис касб-ҳунар коллежида Ўзбекистон Либерал-демократик партияси – ЎзЛиДеП ва коллеж ҳамкорлигида "Айёмингиз муборак, азиз ёшлар" деб номланган байрам дастури ўтказилди.**

Тадбирда 800 дан зиёд ёшлар тикувчилик ва тўқувчилик соҳаларида ўз маҳоратларини намойиш этишди. Турли миллат вакилларидан иборат ёш ҳаваскорлар ижросидаги саҳна кўринишлари дастур қатнашчиларига хуш кайфият бахш этди.

**Моҳира РАСУЛОВА.**

ПЛАСТИК КАРТОЧКА:

## ИМКОНИЯТ ВА САМАРА



**Пластик карточка харид қилинган товар ва кўрсатилган хизматлар учун нақд пулсиз ҳисоб-китоб қилишнинг замонавий, ишончли ва қулай воситаси эканлигини кўпчилик тушуниб етди. Ҳисоб-китобнинг бу усули аҳолини пулни йўқотиб қўйиш, ўғирлатиш ёки санашда хато қилиш каби муаммолардан халос этади ҳамда пластик карточкалардаги маблағларга устама фоиз тўланади.**

Ўзбекистон Республикасининг 2005 йил қабул қилинган "Электрон тўловлар тўғрисида"ги Қонуни, республика Президентининг 2009 йил 6 апрелдаги "Тижорат банклари депозитларига аҳоли ва хўжалик субъектлари бўш пул маблағларини жалб этишни янада рағбатлантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги, 2006 йил 3 августдаги "Пластик карточкалар асосида нақд пулсиз ҳисоб-китоб тизимини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 24 сентябрдаги "Пластик карточкалар асосида ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорларига асосан вилоят туман ва шаҳарларидаги мавжуд аҳвол ўрганилганда, бу борада муайян тажрибалар тўпланганига гувоҳ бўлдик. Хусусан, нақд пулсиз ҳисоб-китоб тизимига ўтиш бўйича аҳоли турли қатламлари орасида тушунтириш ишлари, суҳбатлар ўтказилган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси фракциясининг 2009 йил 7 октябрда ўтказган "Мамлакатда пластик карточкаларнинг кенг жорий этилиши – тўлов тизимини такомиллаштириш ва истеъмолчилар манфаатларини таъминлашда муҳим омил" мавзусидаги давра суҳбати натижалари юзасидан қабул қилинган тавсияларидан ҳам фойдаланилмоқда. Фуқароларнинг пластик карточкалардан фойдаланиш тартиб-қоидасидан яхши хабардорлигини улар билан учрашувларда билдирилган фикр-мулоҳазалардан ҳам билиб олиш мумкин.

Республика тижорат банкларининг туман ва шаҳарлардаги бўлинмалари юқоридаги қарорлар ижросини таъминлаш мақсадида 2010 йил 1 март ҳолатига 586 минг 880 та пластик карточкани муомалага чиқарган, улар йил бошига нисбатан 16 минг 182 тага кўпайган ҳамда тегишли жойларга 5 минг 206 та ёки йил бошига нисбатан 484 тага кўп терминал ўрнатган. Уларнинг 4 минг 843 таси савдо шахобчаларига ўрнатилган.

Вилоят, туман, шаҳар солиқ инспекциялари ва истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш бирлашмаси жойларда давра суҳбатлари ва семинарлар ўтказиб, мурожаатларни кўриб чиқмоқда. Жумладан, Янгийўл туманидаги бир гуруҳ ўқитувчилар Ўзбекистон Адлия вазирлиги, вилоят истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бирлашмаси, Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамияти, Янгийўл шаҳри прокурорига шикоят хати йўллаб, "Қишлоқ қурилиш банки" пластик карточкаларга иш ҳақининг 30 фоизидан ортиқча ўтказганлигидан норозилик билдиришган. Жойига бориб тушунтириш ишлари олиб борилгач, шикоят эгалари пластик карточканинг аҳамияти ва қулайликларини англаб етиб, ундан кенг фойдаланишга розилик билдиришди. Ангрен шаҳар солиқ инспекцияси "Ишонч телефони"га мурожаат қилган 4 фуқаронинг пластик карточкалардан фойдаланишда хизмат кўрсатувчилар ортиқча ҳақ олишаётгани тўғрисидаги маълумоти текширишда тасдиқланмади.

Давлат солиқ хизмати органлари томонидан пластик карточкалар орқали тўловлар қабул қилиш бўйича савдо ва хизмат кўрсатувчи объектлар тўлов терминалларидан фойдаланиши устидан назорат ўрнатилган. Жумладан, "Ишонч телефонлари" ҳақидаги маълумотлар савдо ва хизмат кўрсатиш объектларининг кўринарли жойларига илинган. Мурожаатларга тез ва тегишли жавоблар берилмоқда. Савдо ва хизмат кўрсатувчи объектларда терминаллар орқали ҳисоб-китоб қилиш ҳолати ўрганилганда, ўрнатилиши шарт бўлган объектларнинг терминал билан тўлиқ таъминланганлиги ва ундан тўғри фойдаланилаётганлиги кузатилди. Шу билан бирга бошқа савдо ва хизмат кўрсатиш объектларида ҳам улардан фойдаланишга қизиқиш уйғонгани маълум бўлди.

Тўғри, терминаллардан фойдаланишда ҳал этилиши зарур бўлган айрим ноқулайликлар ҳам йўқ эмас. Жумладан, "Саноат-қурилиш" банкининг "Виза" карталари терминалларидан фақат шу банк мижозлари фойдаланишлари мумкин, афсуски, бошқа пластик карточка эгалари ушбу терминаллардан фойдалана олмаяптилар. Янги жорий этилган "Универсал" карталари эса ҳали етарли эмас.

Шунингдек, терминал карталари транзакция сони кўпайтирилса, яъни улар ҳозиргидек 100 ёки 200 та эмас, 500 та бўлса, савдо картаси тез тўлиб қолмасди. Чунки, у тезда тўлиб қолиши натижасида кўпроқ инкассация қилиш талаб этилмоқда, бу эса терминалдан фойдаланишда узилишларга сабаб бўлмоқда.

Корпоратив карточкалардан фойдаланишда белгиланган 5,5 миллион сўмлик лимит камлик қилаётганлиги хусусида эътирозлар бор. Чунки товар айланмаси 10-20 миллион сўм бўлган савдо дўконини кенг ассортиментдаги товарлар билан таъминлашга белгиланган лимит етишмаслиги аниқланди. Фикримизча, лимит миқдорини товар айланмасига нисбатан белгилаш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

**У. ЖУМАНИЁЗОВ, К. ҲАМИДОВА,**
**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари,**
**К. ШОДИМЕТОВ,**
**Ўзбекистон "Адолат" СДП вилоят кенгаши раиси.**

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларни кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида Оҳангарон туман-шаҳар давлат ветеринария бўлимида ўқув машғулоти ташкил этилди.**

## ЧОРВА НАСЛИ БИЛАН

Семинарда вилоят, туман ва шаҳар ветеринария шахобчалари мудирлари, фермер хўжаликлари раҳбарлари, қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғини раислари ва фаоллари иштирок этишди.

Тадбирда чорвачиликни ривожлантиришнинг асоси бўлган сунъий уруғлантиришни тўғри йўлга қўйиш масаласига жиддий эътибор қаратилди.

Бу усул моллар наслини яхшилаш жуда қўл келади.

**Зокир ХЎЖАЛЕПЕСОВ.**

## ҒАЛЛАЗОРДА РИЗҚ УНАДИ

**Қишлоқ хўжалик экинлари, айниқса, ғалладан мўл ҳосил етиштириш, халқимизни арзон ва сифатли дон маҳсулотлари билан таъминлашнинг устувор вазифаларидан биридир. Бироқ, бу саъй-ҳаракатларга тўғоноқ бўлиб, экинларни пайҳон ва ҳосилни нобуд қилувчилар ҳам учраб туради.**

Бу иллатга чек қўйиш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг "Қишлоқ хўжалик экинзорларининг пайҳон қилинишига қарши курашишни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилиниб, унинг ижросини таъминлаш учун прокуратура, адлия, ички ишлар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, "Маҳалла" хайрия жамғармаси ҳамда қишлоқ фуқаролар йиғинлари раислари, маслаҳатчи ва посбонлари жалб этилди. Қарорнинг мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка етказиш мақсадида туманларда ишчи гуруҳлари ташкил этилиб, тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилди. Қишлоқ хўжалиги корхоналари, фермер хўжаликлари ва бошқа ердан фойдаланувчиларнинг жавобгарлиги ва фаоллигини ошириш чора-тадбирлари кўрилди. Экинзорларни пайҳон ва ҳосилни нобуд қилиш ҳолатлари аниқланиб, тегишли чора-тадбирлар қўлланилди.

Ўзбекистон Республикаси «Маъмурий жавобгарлик тўғрисида»ги Кодексининг 104-моддасида белгиланган маъмурий жавобгарликка мувофиқ фуқароларимизни огоҳ қилишни лозим, деб ҳисоблаймиз.

Чорва моллари ёки паррандалар хўжалик экинзорларини пайҳон қилса, далада тўплаб қўйилган ҳосилга зарар етказса, кўчатларни шикастласа, фуқароларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч баробаригача, мансабдор шахсларга эса уч баробаридан беш баробаригача жарима солинади.

Экинзор ёки кўчатзорлар техникада босиб ўтилса, энг кам иш ҳақининг уч баробаридан беш баробаригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ушбу модданинг биринчи ёки иккинчи қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилса, фуқароларга энг кам иш ҳақининг беш баробаридан етти баробаригача, мансабдор шахсларга эса беш баробаридан ўн баробаригача миқдорда жарима солиниши белгиланган.

Шунингдек, экинзорлар пайҳон қилинган жойда ушланган чорва моллари фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига топширилади ва эгасига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда маъмурий жазо чоралари қўлланилиб, етказилган зарар тўлиқ ундириб олингандан кейин қайтариб берилади.

Аслида умумий фойдаланишдаги йўллар четига, ҳовлилар ёки кўп қаватли уйлар атрофига экилган турли мевали ва манзарали дарахтларга, гулларга зарар етказиш ҳам экинларни пайҳон ва нобуд қилишга тенглаштирилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Бундан ташқари, экин майдонидан фойдаланаётган қишлоқ хўжалик корхоналари раҳбарлари, фермер хўжаликлари бошлиқлари ва бошқа ердан фойдаланувчиларнинг ҳам жавобгарлиги кўриб чиқилса, бу каби ножўя хатти-ҳаракатларнинг олдини олиш бирмунча кафолатланган бўларди.

**Абдуқаҳҳор САТТОРОВ,**
**вилоят адлия бошқармаси етакчи маслаҳатчиси.**

БУГУННИНГ ГАПИ

# ҲАР ТУПИ МУҲОФАЗАДА

**Қадим замонлардан диёримизда ипакчилик кенг тараққий этган. Аждодларимиз тайёрлаган ипак маҳсулотлар Буюк Ипак йўли орқали дунёнинг турли мамлакатларига олиб бориб сотилгани тарихдан яхши маълум. Бу қимматбаҳо хом ашёдан тўқиладиган атлас, адрас каби ранг-баранг миллий матоларимиз бутун дунёда маълум ва машҳурдир. Асил ипак халқ тилида "кумуш тола", деб аталиши ҳам бежиз эмас.**

Ипакчиликнинг жадал ривожланиши ўз-ўзидан аграр соҳанинг муҳим ва сердаромад тармоғи бўлган пиллачилик тараққиёти билан чамбарчас боғлиқдир. Пиллачилик истиқболини эса Она табиатнинг яна бир неъмати – тут дарахтларисиз асло тасаввур қилиб бўлмайди. Юртимизда пилла етиштириш мавсуми тобора яқинлашиб келаётган экан, ҳозир вилоятимизда тутчиликни ривожлантириш борасидаги ишлар ҳақида тўхталиш айни муддаодир.

Таъкидлаш жоизки, талаб ва эҳтиёжнинг катталиги боис юртимизда пилла етиштириш кўлами тобора кенгайиб бормоқда. Бу эса ипак қурти учун энг бирламчи озуқа ҳисобланган тут баргига бўлган талабнинг ошишига олиб келиши табиий.

Республикамизда ипак қурти озуқа захираларини кўпайтириш мақсадида кейинги икки-уч йил мобайнида аниқ мақсадли чоралар кўрилаяпти. Чунончи, 2008 йил 11 декабрда Республика Бош вазири томонидан "Пиллачиликни ривожлантириш ва унинг озуқа базасини мустаҳкамлаш, пиллачилик корхоналарини молиявий соғломлаштириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш тартиби" тасдиқланди.

Мазкур кўрсатмаларга асосан туманимизда ҳам бу борада кўламли ишларга қўл ураяпмиз. Хусусан, қўмитамиз туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими, туман бош пиллахонаси билан махсус чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқди. Унга асосан туманимиздаги мавжуд тут дарахтларини муҳофаза қилиш, тут плантацияларининг пайҳон қилиниши ҳамда ноқонуний кесиб юборилишининг олдини олишга қаратилган саъй-ҳаракатлар кучайди. Барча йирик баргли тут дарахтлари ва плантациялар бир қур хатловдан ўтказилиб, уларга эгалик қилаётган фермерларга шахсий жавобгарликни ошириш юзасидан аниқ кўрсатмалар берилди. Шунингдек, имконият бўлган ҳудудларда, хўжаликлар далаларининг чегара қисмларида янги тут қаторлар барпо этиш юзасидан ҳам таклифлар ишлаб чиқилиб, амалга оширилмоқда.

Деҳқонлар яхши билишадики, йўл ёқалари, дала четларига экилган тутлар пилла учун муҳим озуқа бўлиш баробарида экин майдонларини шамол эрозиясидан сақлаб, майдонларга сув келадиган асосий ариқ-зовурларни ўпирилишдан муҳофаза қилади. Шунингдек, улар биохилма-хилликни таъминловчи, атмосфера мусаффолигига хизмат қилувчи муҳим восита ҳамдир.

Кези келганда табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг махсус рухсатисиз тут дарахтларини кесиш ёки улардан бошқа шахсий мақсадлар йўлида фойдаланиш ҳоллари аниқланган тақдирда айбдорларга кескин қонуний чоралар кўрилишини таъкидлаб ўтиш ўринлидир.

**Ўктам ЗОҲИДОВ,**
**Чиноз тумани табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси давлат нозири.**



*Юртимизда баҳор.*

# АНЪАНА ДАВОМ ЭТАДИ

**Тоза ҳаво – танга даво, дейдилар. Шундай экан, сизу биз нафас олиб турган атмосфера ҳавосининг ҳамиша мусаффо бўлиши учун аввало ўзимиз масъул эканлигимизни унутмаслигимиз лозим.**

Хабарингиз бор, ҳар йили бутун мамлакатимиз бўйлаб икки босқичда "Тоза ҳаво" тадбирини ўтказиб бориш хайрли анъанага айланиб қолган. Бу йил ҳам 10 апрелдан 10 майга қадар мамлакатимиз ҳудудида ана шу тадбирнинг биринчи босқичини ўтказиш кўзда тутилган.

Статистик маълумотларга қараганда, айни пайтда биргина вилоятимиз ҳудудининг ўзида 178 мингдан зиёд автотранспорт воситалари руйхатга олинган. Шундан карийб 162 мингга яқини шахсийдир. Мазкур автотранспорт воситаларидан атмосфера ҳавосига чиқарилаётган зарарли моддалар миқдорини камайтириш мақсадида уларнинг техник жиҳатдан созлигини назорат қилиш қатъий эътиборда бўлаяпти. Бу борада Республика табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси Ўзбекистон ички ишлар ва соғлиқни сақлаш вазирликлари билан ҳамкорликда қўшма буйруқ қабул қилган бўлиб, тадбир мобайнида унда белгиланган вазифалар ижроси вилоят давлат санитария-эпидемиология маркази, йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси ҳамда табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ходимлари билан биргаликда изчиллик билан олиб борилади. Мазкур тадбирнинг биринчи ва иккинчи босқичларини юқори даражада ўтказиш учун вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитасида манфаатдор ташкилотлар иштирокида семинар-машғулот уюштирилди.

Тадбир доирасидаги яна бир муҳим жиҳат шуки, унда автотранспорт воситаларини техник кўрикдан ўтказиш чоғида улардан атмосферага ажраётган заҳарли газ миқдори ҳам чуқур таҳлил қилинади ва экологик носозликлар аниқланган тақдирда автомобилларни бир йўла созлаш ва таъмирлаш ишлари ташкил этилади.

Шу фурсатдан фойдаланиб, вилоятимиздаги барча автотранспорт корхоналари ва шахсий автомобиль эгаларини, шунингдек, малакали муҳандис, техник ходим ва мутахассисларни "Тоза ҳаво" тадбирида фаол иштирок этишга, шу тариқа атмосфера мусаффолигини сақлашга ўз ҳиссаларини қўшишга чорлаймиз.

**Адҳам ҚУРБОНОВ,**
**вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси инспекцияси бошлиғи вазифасини бажарувчи.**

**Яқинда Тошкент ҳайвонот боғи янги турдаги жонзотлар билан бойиди.**

## ЯНГИ «МЕҲМОН»ЛАР

Бу ерга хориждан 9 хил ноёб ҳайвонлар, 16 турдаги денгиз жонзотлари келтирилди. Улар орасида, ҳатто, акулалар ҳам борлиги ҳайратланарлидир.

Ҳайвонот олами янада бойиган боғга саёҳат уюштирувчилар сони ҳам тобора ошмоқда.

# ОВЛАГАН ЖАРИМА ТЎЛАЙДИ

**Кўпчиликка яхши маълумки, баҳор фасли келиши билан балиқларнинг урчиш мавсуми ҳам бошланади. Шу боис балиқ ови ҳаваскорларига баъзи бир қонун-қоидаларни эслатиб ўтишни жоиз деб биламиз.**

Хусусан, 16 апрелдан 31 майга қадар бўлган оралиқ балиқларнинг урчиш мавсуми деб белгиланиб, бу муддатда Сирдарё сув ҳавзаларида ҳар қандай балиқ турларини овлаш қатъиян ман этилади. Мазкур муддатда балиқ маҳсулотлари билан қаерда бўлишидан катъи назар савдо қилиш мутлақо тақиқланади.

Бу даврда айниқса, тўр, отма тўр, санчқи, электр токи, портловчи ва кимёвий моддалар ёрдамида балиқ овлаш бориб турган жиноят ҳисобланади. Фақатгина овчилик жамиятининг махсус рухсатномасига эга бўлган шахсларгагина маълум имтиёзлар сақлаб қолинган. Улар илмоғи бештадан ошмайдиган оддий қармоқ ёрдамида 5 килограммгача балиқ овлашлари мумкин.

Дарвоқе, балиқларнинг урчиш даврида катта-кичик сув ҳавзаларида табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси инспекторларидан ташқари бошқа шахсларнинг қайиқларда юришига йўл қўйилмайди. Бу тартибни бузганлар маъмурий ва ҳатто қонунчиликка мувофиқ жиноий жавобгарликка тортилишлари мумкин.

**Адҳам СОДИҚОВ,**
**давлат нозири.**

# Табиат ва инсон

*Тошкент вилояти табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси саҳифаси*

МУРОЖААТЛАР ҚЎМИТА НАЗОРАТИДА

**Вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитасига ҳар куни жойлардан турли мазмундаги хатлар келиб туради. Улар орасида фуқароларнинг атроф-муҳит тақдирига куюнчаклик билан ёндошиб, айрим муаммолар юзасидан билдирадиган шикоятлари ҳам кўплаб учрайди.**

# ШИКОЯТ АСОСЛИ БЎЛСА...

Яқинда қўмитага ана шундай шикоят хатларидан бири келиб тушди. Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Ўрикзор мавзеси, "Кўксарой" маҳалласи, "Наво" 5-тор кўчаси аҳолисидан келган аризада қўшни Зангиота туманидаги "Бурхонбек-пласт" масъулияти чекланган жамияти пластмасса ва полиэтилен маҳсулотлари ишлаб чиқариш жараёнида ҳосил бўладиган заҳарли чиқиндиларни "Кўксарой" маҳалласи ёқалаб оқадиган "Бўзсув" каналига ташлаётгани, бу ерда ҳосил бўладиган тутун ва чанг аҳоли саломатлигига жиддий хавф туғдириб, уларнинг туну кун безовталанишларига сабаб бўлаётгани куюнчаклик билан тилга олинади.

Мазкур хатни ўрганиш юзасидан вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг бир гуруҳ малакали мутахассисларидан иборат гуруҳ тузилиб, шикоятда келтирилган ҳолатлар зудлик билан жойига чиқиб ўрганилди. Олиб борилган текширувлар натижасида аризада келтирилган даъволар ўз тасдиғини топди.

Атроф-муҳитга жиддий зарар етказиб, Ўзбекистон Республикасининг табиатни муҳофаза қилишга доир қонун талабларини бузиб келгани учун "Бурхонбек-пласт" масъулияти чекланган жамияти фаолияти вақтинча тўхтатиб қуйилди ва корхона раҳбарига "Маъмурий жавобгарлик тўғрисида"ги Кодексга биноан жарима қўлланилди.

**Азизбек АЗИМОВ,**
**вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси бош мутахассиси.**

ДАРВОҚЕ

# ШОВҚИНГА ТОБИНГИЗ ҚАЛАЙ?

**Кўзларимиз кўриб тургани қанчалар улкан бахт бўлса, қулоқларимизнинг эшитиши ҳам шундай мўъжизавий ҳодисадир. Шунга яраша чор-атрофимиз ҳам турли-туман, ёқимли-ёқимсиз шовқин-суронларга тўлиб тошиб ётибди. Момақалдироқ гумбиридан тортиб, уйқучининг беўхшов хуррагигача...**

Кўпгина ишлаб чиқариш корхоналарида шовқин-сурон юқори бўлади. Ҳаддан зиёд шовқинли дастгоҳлар ёнида ишловчиларнинг кайфияти тез бузиладиган, асаб қўзғалувчанлиги ошадиган бўлиб қолиши маълум. Мутахассислар бундай мунтазамлик қулоқ пардаларининг битиб, эшитиш даражасининг сустлашишига олиб келиши мумкинлигидан огоҳлантиришади. Шу билан бирга шовқин қулоқ орқали бош мияга ҳам таъсир кўрсатиб, унинг функционал фаолиятининг бузилишига олиб келади. Натижада инсон қон босимининг ошиши, юрак безовталиги, кўнгил беҳузурлигидан шикоят қила бошлайди. Аниқланишича, керагидан ортиқча шовқин одамнинг кўриш қобилиятини 26 фоизгача сусайтириб қўйиши мумкин экан.

**Олмалиқ табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси мутахассиси Феруза ЖЎРАЕВА тайёрлади.**



Изоҳга ҳожат йўқ.

# ТОМЧИ СУВДА ҲАЁТ АКСИ

**Ҳар йили март ойининг 22-санаси Бутунжаҳон сув куни сифатида нишонланади. Бу йил ҳам вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси мазкур сана муносабати билан чор-атрофга тириклик, оби-ҳаёт улашиб турган беназир неъмат – сув қадри, уни муҳофаза қилиш, сув захираларидан оқилона фойдаланиш тарғиботига бағишланган туркум тадбирларни амалга оширди.**

Таъкидлаш жоизки, сув ҳавзалари ифлосланишининг олдини олиш масаласи атроф-муҳитни муҳофаза қилишнинг асосий йўналишларидан биридир. Вилоятимиздаги сув ҳавзаларининг экологик ҳолати ва сифат даражаси шу ҳудудда жойлашган кўп тармоқли саноат ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши билан чамбарчас боғлиқдир. Вилоятимизда сувга бўлган эҳтиёж Чорвоқ, Оҳангарон ва Туябўғиз сув омборларидан сув олувчи Сирдарё, Оҳангарон ва Чирчиқ дарёлари орқали қопланади. Бундан ташқари, вилоят ҳудудида 5 та ер ости сув захиралари мавжуд бўлиб, улар сафига Чирчиқ, Оҳангарон, Паркент, Кўкорол ва Далварзин ер ости сув конлари киради. Уларда ҳозирги кунда 2028 та бурғулаш қудуқлари ишламоқда.

2009 йил давомида сув захираларидан халқ хўжалиги эҳтиёжи учун 3,643 млн. метр куб сув олинди. Шундан 2,398 млн. метр куби хўжалик ичимлик сувига, 778 млн метр куби ишлаб чиқариш, 388 млн. метр куби қишлоқ хўжалиги ва бошқа эҳтиёжлар учун сарфланди.

Кўриниб турибдики, вилоятимиз сув захираларига қанчалик бой бўлмасин, унга бўлган талаб ва эҳтиёж ҳам шу қадар юқоридир. Айни ҳол оби-ҳаёт манбаининг ҳар қатрасини тежаб-тергаб сарфлаш лозимлигини тақозо этади.

Бу маълумот ва мулоҳазалар яқинда Зангиота тумани академик лицейида Бутунжаҳон сув кунига бағишлаб ўтказилган "Сув – ҳаёт манбаи" мавзуидаги тадбирда ўртага ташланди. Мазкур тадбир вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ташаббуси билан Ўзбекистон Миллий университети, вилоят ўрта-махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси, "Экомактаб" нодавлат нотижорат ташкилоти кўмагида уюштирилди.

Тадбирда лицей ўқувчилари фаоллиги юқори бўлди. Улар маънавий-маърифий мавзуда, саҳна кўринишида чиқишлар намойиш этиб, Она табиатни асраш, унинг ажралмас бўлаги бўлган сув муҳофазасига оид ғояларни илгари сурдилар.

Тадбирнинг энг қизиқарли қисми унда махсус танлов ташкил этилиб, лицей ўқувчилари ўртасида мавзуга оид "Энг яхши расм", "Энг яхши мақола", "Энг яхши шеър", "Энг яхши фотосурат", "Энг яхши эркин мавзу" йўналишлари ғолиблари саралангани бўлди.

Ғолибларга махсус совғалар, лицей ўқувчиларига эса, вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ҳомийлигида чоп этилган атроф-муҳит муҳофазасига доир илмий-оммабоп рисолалар туҳфа этилди.

**Сардор ҲИКМАТОВ.**

МУЛОҲАЗА

# ФОЙДА КЕТИДАН ҚУВАМАН ДЕБ...

**Баъзан чор-атрофимиздаги дилни хира қилувчи нохуш манзараларнинг ўзи ҳам табиатга қанчалар лоқайд муносабатда эканлигимизни кўрсатиб тургандек...**

**Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг бир неча моддаларида, табиат муҳофазасига доир қабул қилинган 20 дан ортиқ қонун ва муҳим меъёрий ҳужжатларда ер, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси умуммиллий бойлик сифатида давлат ҳимоясида эканлиги алоҳида қайд этилган. Худди шунингдек, катта-кичик сув ҳавзаларига жисмоний ёки юридик шахслар томонидан турли чиқиндиларнинг ташланиши ҳам амалдаги қонунчиликка мувофиқ таъқиб қилинади.**

Мен бир тадбиркорни биламан. Хусусий ишлаб чиқариш корхонаси бор. У ишлаб чиқариш жараёнларида ҳосил бўлган чиқиндиларни корхонанинг орқа тарафидан оқиб ўтадиган анҳорга ташларди. Таассуфки, бунга ҳеч ким эътибор бермас, боз устига қилаётган иши тартиб-қоидага ҳам, одамгарчилик тамойилларига ҳам тўғри келмаслиги ҳақида ўйлаб ҳам кўрмасди. Яқинда у шундай деб қолди:

– Арзимаган фойдани деб, атроф-муҳитга, энг ёмони бир ҳаводан нафас оладиган ҳамқишлоқларим саломатлигига жиддий зарар етказаётганимни билмай келибман. Яқинда маҳалламиздаги бир нуроний отахон бор айбимни юзимга айтиб, шундай насиҳат қилдилар: "Ўғлим, корхона очиб, маҳсулот тайёрлаётганингиз, маҳалламиз ёшларини ишли қилганингизку яхши, аммо чиқиндиларни шундай зилол сувга ташлаётганингиз инсофдан эмас. Ахир, бир эсланг, ўзингиз, сиз тенгилар шу сувдан ичиб, ёз кунлари шу анҳорда чўмилиб катта бўлгансизлар-ку. Нега ана шу беғубор неъматдан фарзандларимизни бенасиб қилаяпсиз? Балки, сиз шунинг ортидан бойиётгандирсиз. Лекин билиб қўйинг, ўчоғингиздан чиққан тутун қўшнинингнг кўзини ачитса, пишираётган таомингиз ҳаром бўлади. Кўзингизни очинг..."

Рости, уялиб кетдим. Ўйлаб кўрсам, қилаётган ишим чиндан ҳам нотўғри экан. Маҳсулотларимизга талаб қанчалик кўп бўлмасин, корхонамиз фаолиятини ўн беш кунга тўхтатиб қўйдим. Бу орада чиқинди сувларни ташлаш учун махсус безарар лойиҳалар ишлаб чиқиб, амалга оширдик. Тўғри, бироз харажатга тушдик. Аммо виждоним олдида, ҳамқишлоқларим олдида юзим ёруғ бўлди. Айтсам ишонмассиз, кўпчиликни ўйлаб қилган хайрли ишим учунми билмадим, ҳар ҳолда корхонамиз фаолияти янада жонланиб кетди. Ҳозир ҳатто хориждан ҳам буюртмалар олаяпмиз.

Афсуски, ҳамма тадбиркорнинг фаолиятида ҳам шундай ижобий хулосалар учрамайди. Айримлар арзимаган даромадни деб қайта тиклаб бўлмайдиган Она табиатимиз мусаффолигига, ҳаммамизга ҳаёт, борлиққа тириклик бахш этиб турган сув ҳавзаларига жиддий путур етказаётирлар.

Албатта, шаҳар бедарвоза эмас. Вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ва унинг жойлардаги бўлимлари бундай нохуш ҳолатларнинг олдини олиш ва мавжудларига барҳам бериш борасида қатъий кузатув-назорат ишлари олиб бораяпти. Ана шундай саъй-ҳаракатлар туфайли ўзбошимча тадбиркорлар фаолияти вақтинча тўхтатилиб, бир қанчаси тегишлича маъмурий жавобгарликка тортилаяпти.

Чунончи, олиб борилган текширишлар натижасида Янгийўл тумани ва шаҳридан оқиб ўтувчи "Қорақулдук" ва "Жун" каналлари ҳимоя зоналари ва қирғоқ қисмлари тумандаги ғишт ишлаб чиқарувчи "Бизнес-барака" масъулияти чекланган жамиятининг саноат чиқиндилари билан тўлдириб ташлангани маълум бўлди. Сирдарё ёқасида фаолият юритаётган "Чиноз гидросервис" масъулияти чекланган жамияти ҳудудида ҳам ана шундай нохуш манзарага гувоҳ бўлиш мумкин. "Ўртачирчиқ парранда" ҳиссадорлик жамиятида чиқиндиларни сақлаш қоидаларига мутлақо эътибор берилмаётган бўлса, Юқоричирчиқ туманидаги "Парранда Саноат Барака" масъулияти чекланган жамияти мутасаддилари корхонадан чиқаётган ўта зарарли оқаваларни шу ҳудуддаги канал ҳавзасига ташлашдан тап тортмаяптилар. "Нефть-газ қурилиш", "Нерудник" корхоналарида ҳам ишлаб чиқариш чиқиндилари билан Чирчиқ дарёси муҳофаза зоналари тўлиб бормоқда.

Тўғри, аниқланаётган қонунбузилиш ҳолатлари бўйича айбдорларга нисбатан тегишли чоралар кўрилаяпти. Лекин, қилаётган ишларидан аввало айбдорларнинг виждонлари қийналмас экан, аҳвол ташвишланарлилигича қолаверади.

**Абдумуталиб АБДУҲОЛИҚОВ,**
**вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси катта давлат нозири.**

## *НАҲОТКИ, ШУ РОСТ?..*

**Америка миллий космик агентлиги – НАСА томонидан олиб борилган кузатувлар натижасида шу йил 27 февраль куни Чилида содир бўлган 8,8 балли ер силкиниши Ернинг ўз ўқи атрофида айланиш вақтига жиддий таъсир кўрсатган...**

Реактив ҳаракатлар лабораторияси тадқиқотчиси Ричард Гросснинг фикрича, бу табиий офат сайёрамиз аҳолисидан 1,26 микросекунд вақтни тортиб олган. Чилидаги зилзила ер ўқини ўз жойидан тахминан 8 сантиметрга силжитган.

Унинг айтишича, зилзила ўчоқларининг хавфли кенгликларда жойлашгани бунинг асл сабаби бўлиши керак. Чунки Чили экватор чизиғининг марказидан жой эгаллаган. Ер силкиниши оқибатида содир бўлган цунами тўлқинлари Россиянинг Камчатка ўлкаларигача етиб борганлиги бунинг исботидир.

**Саҳифа материаллари вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси мутахассиси Қобилжон СОҚИЕВ ва "Тошкент ҳақиқати" мухбири Ғайрат ШЕРАЛИЕВ томонидан тайёрланди.**

# ТАДБИРКОРНИНГ ИШОНЧЛИ ҲАМКОРИ

**Эътироф этиш жоизки, бугун кўчмас мулк бозори жадал иқтисодий юксалиш йўлидан бормоқда. Бинобарин, мамлакатимиз иқтисодий ҳаётида Республика кўчмас мулк биржасининг ўрни ва аҳамияти юксак кўлам касб этаяпти.**

Буни Республика Кўчмас мулк биржаси Тошкент вилоят филиали фаолияти мисолида ҳам кўриш мумкин. Бугун вилоят филиали давр талабига жавоб берадиган бино ҳамда замонавий техника воситаларига эга бўлди. Биржа фаолиятида савдоларнинг пировард натижа ва самараси малакали брокерлар савиясига бевосита боғлиқ эканлиги назарда тутилиб, ҳудудий филиалда фаолият юритаётган 30 та брокерлик идоралари билан узвий алоқада иш юритилмоқда. Брокерлар фаолияти самарадорлигини таъминлаш мақсадида уларга барча зарурий шарт-шароитлар муҳайё қилинди.

Брокерлик идоралари учун яратилаётган имтиёзлар савдоларнинг кўпайишига олиб келмоқда. Жумладан, 2009 йилнинг 17 августидан 1 октябригача филиалимизда биржа ва электрон савдоларга чиқариб сотилган мулклар учун "Сотувчи" томонидан иштирок этган брокерлик идоралари комиссион тўловлардан озод этилди. Мазкур муддат ичида брокерлик фаолиятини юритиш учун Республика кўчмас мулк биржаси аъзолигига қабул қилинган юридик шахслар ҳам брокерлик ўрни учун тўланадиган тўловлардан озод этилди, натижада 5 та янги брокерлик идораси биржага аъзо бўлди.

Филиалда дастлабки пайтларда мулкчилик шаклидан қатъи назар, эркин савдо йўлга қўйилди. Бу эса вилоятда кўчмас мулкнинг эркин бозорини рағбатлантириш, ҳуқуқий ва жисмоний шахсларга, шунингдек, хорижий инвесторларга давлат мулкини хусусийлаштириш жараёнида бевосита иштирок этиш имконини беради.

Айни пайтда жорий этилган марказлаштирилган электрон савдо тизими Республиканинг исталган ҳудудидаги тадбиркорларга савдоларда тўғридан-тўғри иштирок этиш имкониятини яратиб, савдоларнинг ошкоралиги, иштирокчиларнинг тенг ҳуқуқлилик тамойиллари таъминланмоқда.

Агар рақамларга мурожаат этадиган бўлсак, филиалимиз томонидан 2009 йил биржа ва электрон савдолар натижаларига кўра жами 652 та, умумий қиймати 18 миллиард 121 миллион 693 минг сўмликдан ортиқ кўчмас ва ҳар хил турдаги мол-мулклар савдолари уюштирилди. Умумий қиймати 2 миллиард 64 миллион 138 минг сўмлик 51 та ишлаб чиқариш бино ва иншоотлари, 2 миллиард 338 миллион 576 минг сўмлик 42 та қишлоқ хўжалик, 4 миллиард 393 миллион 360 минг сўмлик 213 та савдо ва маиший хизмат кўрсатиш, 2 миллиард 505 миллион 20 минг сўмлик 266 та қурилиши тугалланмаган объектлар, 6 миллиард 510 миллион 199 минг сўмлик 75 та бошқа турдаги иншоотлар шулар жумласидандир. Шунингдек, умумий қиймати 310 миллион 400 минг сўмлик 5 та ижтимоий соҳага тегишли объектлар ҳам биржа савдоларидан ўрин эгаллади.

Айтайлик, 2008 йилги савдо натижалари 17 миллиард 357 миллион 887 минг сўмни ташкил этган бўлса, ўтган йили бу рақам 18 миллиард 121 миллион 693 минг сўмдан ортди. Бу кўрсаткичлар 2008 йил савдолари натижаларига нисбатан ўтган йили 4,4 фоиз ортиқ натижага эришилганидан далолат беради.

**Шаайюб АБДУЛЛАЕВ,**
**Республика кўчмас мулк биржаси вилоят филиали директори.**



Уйғониш, яшариш ва янгиланиш айёми – Наврўз Бўка туманида ўзгача руҳда нишонланди.

Карнай-сурнай ва ноғоралар садоси остида жарчилар элу юртни Наврўз сайлига чорлади. Одамлар қалбига чексиз қувонч бахш этадиган бундай Наврўз сайиллари неча минг йиллардан буён халқимиз асраб-авайлаб, эъзозлаб келаётган ҳаётбахш ва гўзал қадриятларимиздан.

# НАВРЎЗ ШУКУҲИ ЮРТ КЕЗМОҚДА

Мустақиллик йилларида Наврўз янгича маъно-мазмун касб этиб, ҳамжиҳатлик, бағрикенглик, хайру саховат ва меҳр-оқибат каби халқимизга хос фазилат бешиги бўлиб келаяпти.

Туман маркази Наврўз айёми муносабати билан байрамона безатилди. Баҳорни улуғловчи ранг-баранг тасвирлар, шиорлар майдонга ўзгача кўрк бахш этди. Дошқозонларда баҳорий таомлар – сумалак ва ҳалим тайёрланди. Атрофда халқимизнинг қадимий қўшиқ ва лапарлари куйланиб, рақслар авжига чиқди.

Туман аҳолиси бу йил Наврўзни ўзгача кайфиятда қарши олди. Кўкламнинг илк кунларидан ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари бошлаб юборилди. Маҳалла ва қишлоқларда байрамолди ҳашарлари ташкил этилиб, ёшу қари, каттаю кичик фаол иштирок этди. Маҳаллалар, қишлоқлар, тураржойлар ободонлаштирилди, ариқ-зовурлар тозаланди, зиёратгоҳлар, қабристонлар тартибга келтирилди, мевали, манзарали дарахтлар, гул кўчатлари ўтқазилди.



Вилоятимиз туман ва шаҳарларида байрам тантаналари давом этмоқда.

**Нигина БОБОЕВА.**

**СУРАТЛАРДА:** Наврўз сайлидан лавҳалар.

**Даврон АҲМАД олган суратлар.**

# КОРХОНАДА СУМАЛАК САЙЛИ

**Табиат уйғониши, янгиланиш, яшариш байрами – Наврўзи олам тантаналари давом этмоқда. Яқиндагина ўз фаолиятини бошлаган Янгийўл шаҳридаги "Иззат Коммунал Сервис" компанияси жамоаси баҳорий байрамни шоду хуррамлик билан нишонлади.**

Корхона ташаббуси билан ҳудуддаги кўп қаватли тураржойлар атрофи ободонлаштирилди. Ҳашарлар уюштирилиб, ариқлар тозаланди, дов-дарахтларга шакл берилди.

Компания уй-жой мулкдорлари ширкатлари билан ҳамкорликда "Сумалак сайли" уюштирди. Кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилалар, нуроний отахон ва онахонлар учун тўкин дастурхон ёзилди. Баркамол авлод йилида ўтказилган бу байрам ёшларга ҳам кўтаринки руҳ бағишлади.



**СУРАТДА:** сумалак сайлидан лавҳа.

**Еркебой БОТИРОВ олган сурат.**

ЭЪЗОЗ

# «АРИРАН» ҚАРИЯЛАРГА МАЪҚУЛ

**Юқоричирчиқ туманидаги Аҳмад Яссавий қишлоғида "Ариран" пансионатининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.**

Корея Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси, Корея маданият марказлари уюшмаси, Корея халқаро соғлиқни сақлаш жамғармаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамкорлигида ўтказилган тадбирда жамоатчилик ва дипломатик корпус вакиллари иштирок этишди.

Янги пансионат 80 қарияга мўлжалланган бўлиб, ҳозирча 40 нафар ёлғиз кексалар бу ерни доимий ғамхўрлик уйи сифатида танлашди.

– Кексалар учун қурилган ушбу пансионат Корея ва Ўзбекистон ўртасидаги дўстона алоқаларнинг яна бир ифодаси бўлди, – деди Корея Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Чон Де Ван. – Икки қаватли пансионат қулай ва шинам жиҳозланган бўлиб, унда ёлғиз кексалар ҳаётини енгиллаштирувчи ҳамма жиҳатлар ҳисобга олинган. Ётоқхоналар, йўлаклар, ошхона ва тиббий ёрдам хоналари техниканинг энг сўнгги ютуқлари асосида жиҳозланган.

– Пансионатда қариялар ҳақиқий маънода кексалик гаштини суришлари учун барча шароитлар яратилган, – дейди "Ариран" пансионати директори Ли Хен Тэ.

**Абдулла ФАЙЗИЕВ.**

Тошкент Давлат юридик институти томонидан 2004 йилда Рахимов Шохрух Рамазанович номига берилган (қайд рақами 1634) 178079 рақамли диплом ҳамда иловаси йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

ООО "MADI SAVDO SERVIS" (ИНН 300864966) согласно решения протокола № 1 от 24.03.2010г. Юнусабадского района г. Ташкента **ЛИКВИДИРУЕТСЯ.**

Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня опубликования объявления по тел.: 770-15-34.

Ўртачирчиқ туманидаги 62-ўрта умумтаълим мактаби томонидан Холматов Жасур Холматович номига берилган O'R № 1142467 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Утерянный аттестат о среднем образовании № 230553, выданный школой № 24 Чиназского района Ташкентской области, выданный на имя Ким Жаннетты Адонисовны,
**СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

СП ООО "FORTEK ONE" (ИНН 204649536, ОКОНХ 19400), зарегистрированное в министерстве Юстиции г. Ташкента № 199 от 21.08.2003г. на основании протокола № 3 от 19.03.2010г., **ЛИКВИДИРУЕТСЯ.**

Претензии принимаются в течение двух месяцев по адресу: г. Ташкент, Шайхантахурский район, ул. Навоий, д. 2 или по тел.: 127-13-99.

Утерянный патент 0402535 от 02.02.2007г., выданный Мирзо Улугбекским хокимиятом на имя Ахунова Сардора Салимовича,
**СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

Юнусобод туманидаги "KAMRON SAVDO" масъулияти чекланган жамиятига тегишли (ИНН 204463319, О. Зокиров кўчаси, 1-уй) (реестр тартиб рақами 10-001020) № 001020 рақамли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Тошкент шаҳридаги ҳозирги 314-мактаб, (аввалги Тошкент вилояти Зангиота туманидаги Ал-Бухорий номли 10-сонли мактаб) томонидан 1993 йилда Эргашов Шерзод Абдурахманович номига берилган U № 091591 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Юқоричирчиқ туманидаги қурилиш-иқтисод касб-ҳунар коллежи томонидан 2005 йилда Рысмуханбетов Алдияр Алиаскарович номига берилган К № 254164 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

## ҚИШЛОҚ МУЛКДОРЛАРИ

# ЕР ҚАДРЛАГАННИ СИЙЛАЙДИ

Раҳбаримизнинг айтишларига қараганда, яқин келажакда ўзимизнинг техникаларимиз таъмирланадиган ва сақланадиган минипаркимиз бўлади. Ўшанда биз ҳам ривожланган мамлакатларнинг фермерларидан қолишмаслигимиз аниқ.

**ЎКТАМ ҚЎЧҚОРОВ,**
**иш юритувчи:**

– Иззатилла айтганидай, хўжалигимиз тез оёққа туриб олганининг асосий сабабларидан бири – техниканинг шарофати. Иккинчи омил эса, албатта, даромад. Унинг асосий қисми техникали бўлишга йўналтирилди. Техника эса вақтида сарфланган ўша маблағларни икки-уч баравар қилиб қайтарди. Қарабсизки, техникаси бут, ҳосилдорлик ва даромади барқарор хўжаликка айландик.

Биргина мисол. Бизга бошидаёқ фақат уруғлик пахта ва ғалла етиштиришни ишониб топширишди. Бу – катта масъулият. Негаки, уруғлик экин алоҳида парвариш талаб этади. Лекин биз буни уддаладик. Жумладан, 2009 йилда пахта ва ғалладан 92,8 миллион сўм даромад олдик. Унинг қарийб 42 миллион сўми соф фойда.

Шу ютуқларни ҳисобга олиб, туман раҳбарлари яна 14 гектар ер қўшиб беришди. Шундай қилиб, 2006 йилда 22 гектар еру фақат оила аъзоларидан ташкил топган "Ҳикматилла Йўлдошев" фермер хўжалиги бугун 57 гектар ерда деҳқончилик қилаяпти. Аъзолар ҳам 32 кишига етди. Муҳими шундаки, уларнинг 80 фоизи ёшлар. Уйлайманки, хўжалигимизнинг асосий таянчлари бўлган шу ёшлар Баркамол авлод йилида ютуқларимизни янада бойитишади.

**БАХТИЁР АЛИЕВ,**
**хўжалик мутахассиси:**

– Менга қолса, экинни тирик жонзот деган бўлардим. "Сигирнинг сути тилида" деймиз. Еса, сут беради, емаса, йўқ. Экин ҳам шундай. Ўғитга тўймаса, яхши ҳосил бермайди.

Яхши деҳқон экинини ўғитдан қисмайди, бошқача айтганда, ўғит учун маблағни аямайди. Ҳам юқори, ҳам уруғликка ярайдиган сархил ҳосил етиштиришимизнинг учинчи омили шу.

Кузда, аниқроғи октябрнинг охирларида 26,5 гектар майдонга "Андижанка" нав буғдойнинг супер элита уруғини сепиш олдидан гектарига 250 килограммдан аммофос бердик. Март ойининг бошларида ерни яна 150 килограмм аммофос ва шу ойнинг ўртасида 100 килограммдан аммиак селитраси билан озиқлантирдик. Бошоқлар тўлиқ, дон тўқ бўлиши учун фурсати билан яна 300 килограммдан селитра бериш ниятимиз бор.

Бир қарашда биз кимёвий ўғитларга зўр бериб, ерни қийнаб қўяётгандек туюлиши мумкин. Аммо кимёвий ўғит маҳаллий ўғит билан мақбул меъёрларда уйғунлаштирилса, ернинг соғломлигига зарар етмайди, аксинча, унумдорлиги ортади. Биз кузги шудгор олдидан гектарига 25-30 тонна гўнг солганмиз. Бундан ташқари, ҳар икки гектарга биттадан ҳандақ қазиб, 10-12, яъни гектар ҳисобига 5-6 тоннадан гўнг солдик. Ҳозир биринчи сувни ана шу ҳандақлар орқали шарбат усулида бераяпмиз.

Бу йилги пахта ҳосили учун ажратилган 30,3 гектар ернинг ҳар гектарига кузги шудгор олдидан 350 килограммдан аммофос ва 25-30 тоннадан гўнг солдик. Ҳозир бу майдонларни бир бошдан текислаб, чизеллаб, эгат олаяпмиз.

Дарвоқе, биз чигитни фақат пуштага экамиз. Бу ютуқларимизнинг тўртинчи омили. Эгат олиб экишнинг афзалликлари кўп. Биринчидан, ёғин сувлари эгатга оқиб тушиб, пуштани қатқалоқ босмайди, намлик меъёридан ошмайди, чигит қийналмай, тез ва текис униб чиқади, тўлиқ кўчат олинади. Қолаверса, дастлабки ишлов осон кечади, нозик ғўза ниҳолларига зарар етмайди.

С-6524 навли биринчи репродукцияли уруғлик чигит тайёр. Мўлжалимиз – об-ҳаво қандай келишига қараб, 5-10 апрелда экиб олиш.

**ҲАБИБУЛЛО ЙЎЛДОШЕВ,**
**фермер хўжалиги раҳбари:**

– Ҳамкасбларим асосий гапларни айтишди. Аммо, инсон ҳаёти фақат меҳнатдан иборат эмас. У яхши яшаш учун меҳнат қилади. Дастлабки, тўрт йил хўжалигимизнинг орқа-ўнгини тўғрилаб олиш билан ўтди. Энди навбат ўзимиз учун қулай шарт-шароитлар яратишга.

Ниятларимиз кўп. Асосийларини айта қолай. Аввало, замонавий дала шийпони қурмоқчимиз. Унда душдан тортиб ваннахонагача, ҳамма қулайликлар бўлади.

Салкам бир гектар ерда мевали боғ барпо этаяпмиз. 60 туп олма, 40 туп гилос, 50 туп нок, 50 туп шафтоли, 60 туп анор, 20 туп беҳи, 20 туп ёнғоқ, 20 туп жийда экамиз. Тасаввур қилинг, бу боғнинг меваси 32 кишилик дастурхонимиздан ортиб, чор-атрофдаги бозорларни ҳам тўкин қилиши мумкин.

Иссиқхона учун мўлжаллаб, 1,2 гектар ер ажратдик. Биринчидан, аъзоларимизга қиш бекорчилигида эрмак бўлади. Қолаверса, умумий даромадимизга, рўзғоримизга янада барака киради.

Механизаторимиз айтганидек, техника масаласини ҳал этганмиз. Аммо, битта чаласи бор. Ўзимизнинг таъмирлаш устахонамиз, машина-механизмларни сақлайдиган иншоотимиз бўлса деймиз. Хуллас, ўзимизнинг мини-паркимизни барпо этиш ҳаракатидамиз.

Қишлоқ хўжалигида мавсумий ишлар кўп. Четдан ишчи кучларини ёллаб туришга тўғри келади. Айниқса, пахта йиғим-терим даврида. Шуларни ҳисобга олиб, 50 ўринли меҳмонхона қуриш ниятидамиз. Олдиндан ҳисоб-китоб қилиб кўрдик. Атроф-қўшниларда кунига 200 килограммга етказиб пахта терадиган чевар теримчилар кўп. Уларни шартнома билан ёллаб, меҳмонхонамизда мавсумий яшаб туришлари учун шароит қилиб берсак, 120-150 тонна пахтамизни бир ҳафтаўн кундан қолдирмай, саранжомлаб оламиз. Асаббузар ташвишлар бўлмайди.

Хуллас, оёққа росмана туриб олган, "ўзига тўқ" фермер хўжалиги учун мўъжазгина меҳмонхона ортиқчалик қилмайди. Уни яхшилаб жиҳозлаб қўйсак, мавсумий ишлардан ҳоли пайтларда, ижарага бериб туриш дегандек, бошқа кор-ҳолларга ҳам яраб туради.

**Абдусамад ЙЎЛДОШЕВ,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

# ДИҚҚАТ, ТЕНДЕР!

**Шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро (вилоят ичида) йўналишларда йўловчилар ташишни ташкил этиш вилоят комиссияси томонидан 2010 йил 30 апрель куни соат 18.00 да очиқ тендер ўтказилади**



1. Битта пакет билан:
**ВХ-251** "Бекобод АББ – Тошкент АББ" (Бекобод томондан)
**ВХ-251 й.т.** "Бекобод АББ – Тошкент АББ" (Бекобод томондан)
**ВХ-252** "Бекобод АББ – Ангрен АШБ" (Бекобод томондан)
**ВХ-254** "Ғалаба ф/у – Бекобод АББ"
**ВХ-255** "Навоий ф/у – Бекобод АББ – Зафар АЧСБ"
2. **ШИ-1** "Шахматчи қўрғони 11-12-даҳа – УМК бозори – Шахматчи қўрғони"
3. **ШИ-2** "Фарҳод ГЭС – УМК бозори – УМК ЭСПК"
4. **ШИ-3** "Темир йўл вокзали – УМК бозори (12-13-даҳа орқали) – Темир йўл вокзали"
5. **ШИ-8** "УМК бозори (УМК бошқармаси орқали) – УМК бозори" (Айланма)
6. **ШИ-10** "Темир йўл вокзали – УМК бошқармаси"
7. **ВХ-279 й.т.** "Тинчлик ф/у – С. Раҳимов АШБ"
8. **ВХ-294 й.т.** "Янгийўл шаҳар бозори – Сергели даҳаси"
9. **ВХ-295 й.т.** "Янгийўл шаҳар бозори – Кескин қишлоғи"
10. **ВХ-307 й.т.** "Ниёзбош қишлоғи – Гулбаҳор қўрғони"
11. **ВХ-308 й.т.** "Янгийўл темир йўл вокзали – Отажонов ф/у"
12. **ВХ-588 й.т.** "Олмазор қўрғони – С. Раҳимов АШБ"
13. **ШИ-12 й.т.** "МБФ бекати – ОТМК томорқа хўжалиги" (Олмалиқ ш.)

Очиқ тендерда муклчилик шаклидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида белгиланган тартибда рўйхатга олинган, солиқ органлари ҳисобида турувчи ва автомобиль транспортида шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро – вилоят ичида йўловчи ташишни амалга ошириш учун лицензияси бўлган хўжалик юритувчи субъектлар иштирок этиши мумкин.

Тендер ташкилотчиси – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 1 ноябрдаги 229-сонли, Тошкент вилояти ҳокимининг 2007 йил 14 ноябрдаги 248-сонли ва 2009 йил 27 февралдаги 51-сонли қарорлари билан тасдиқланган Шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро (вилоят ичида) йўналишларда йўловчилар ташишни ташкил этиш вилоят комиссияси.

**Комиссия манзили: Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Лисунова кўчаси, 4/68-уй.**

Очиқ тендерда иштирок этишни хоҳловчилар Шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро (вилоят ичида) йўналишларда йўловчилар ташишни ташкил этиш вилоят комиссиясига тендер ҳужжатлари пакетини олиш учун Тошкент вилояти ҳокимлигининг Йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш Департаменти ҳисоб рақамига "Ўзсаноатқурилиш Банк" (ОПЕРО ТГРФ УзПСБ)нинг Тошкент шаҳридаги Минтақавий бўлими 20210000404661167001 (банк коди 00424, ИНН 300625470, ХХТУТ 51600)га энг кам ойлик иш ҳақининг 2 баробари миқдорида пул ўтказиб, 2010 йил 25 апрелгача буюртма беришлари лозим.

Шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро (вилоят ичида) йўналишларда йўловчилар ташишни ташкил этиш вилоят комиссияси тендер таклифларини 2010 йил 29 апрель соат 17.00 гача қабул қилади.

**Тендер ўтказиш манзили: Тошкент шаҳри, Мовароуннаҳр кўчаси, 17-уй. Вилоят ҳокимиятининг кичик мажлислар зали. Маълумот учун телефон: (+99871) 294-92-43.**

Утерянную лицензию на розничную торговлю за № 2462, выданную Торговым департаментом Учтепинского хокимията от 27.04.2007г. на имя частного предпринимателя Кенджаевой Жамили Самиковны (ИНН 431772968),
**СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

Утерянную лицензию на розничную торговлю за № 2653, выданную Торговым департаментом хокимията Учтепинского района от 01.08.2005г. на имя частного предпринимателя Ким Дмитрия Аркадьевича (ИНН 447546240),
**СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

Утерянную лицензию на розничную торговлю за № 2430, выданную Торговым департаментом хокимията Учтепинского района от 12.05.2006г. на имя частного предпринимателя Фазыловой Иноятхон Алимовны (ИНН 473343008),
**СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

ООО "O`zbekiston kabel sistemalari" (ИНН 205269264), зарегистрированный отделом государственной регистрации субъектов предпринимательства хокимията Мирзо Улугбекского района г. Ташкента за № 000797-04 от 11.11.2004г. по решению общего собрания участников общества от 29.03.2010г. **ЛИКВИДИРУЕТСЯ** в добровольном порядке.

Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня опубликования объявления по юридическому адресу: г. Ташкент, М. Улугбекский район, Бизнес комплекс Хамид Алимжан (западная сторона) 4-подъезд, 2-этаж.

ООО "KAFKAD DINAMIK PLUS", зарегистрированное отделом государственной регистрации субъектов предпринимательства хокимията Чиланзарского района г. Ташкента (ИНН 301375711),
**ЛИКВИДИРУЕТСЯ** (Протокол собрания № 3 от 30.03.2010г.).
Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня опубликования данного объявления по тел.: 279-95-14.

**Республика кўп тармоқли Агросаноат биржаси Тошкент филиали баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

1. Аукцион савдосига Ҳамза тумани СИБнинг 10.10.2009 йилдаги № 1-5844-09-сон ижро ҳужжатига асосан Ф.А.Тухтаевга тегишли умумий майдони 344 кв.м.дан иборат бўлган Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Шолохов кўчаси, 40-А уйда жойлашган гўшт маҳсулотлари учун мўлжалланган цех биноси қўйилмоқда, бошланғич нархи - 65 000 000 сўм.

2. Аукцион савдосига Шайхонтоҳур тумани СИБнинг 05.11.2007 йилдаги № 1-665-сон ижро варақасига асосан "Жарариқ" жарима майдончасида сақланаётган 1992 йилда ишлаб чиқарилган дав.бел. X 320 ONM, бўлган "БМВ" русумли автотранспорт воситаси қўйилмоқда, бошланғич нархи - 14 396 570 сўм.

Аукцион савдолари 2010 йилнинг 4 май куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани, Беруний кўчаси, 83-уйда жойлашган 311-хонада ўтказилади.

Талабгорлар диққатига! Юқоридаги кўчмас мулк 2010 йил 4 майдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, мазкур кўчмас мулкни сотиш юзасидан такрорий аукцион савдоси 2010 йилнинг 20 май куни бўлиб ўтишини аввалдан маълум қиламиз.

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, РКТАСБнинг Тошкент филиали ҳисоб рақамига 20208000704632976001, ТИФ Миллий банк С. Раҳимов бўлими, МФО 00876, ИНН 206852268, ОКОНХ 81200га тўлашлари шарт.

Савдога қўйилган мол-мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш кимошди савдоси ўтказлишига бир кун қолганда тўхтатилади.

**Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани, Беруний кўчаси, 83-уй.**
**Телефонлар: 249-54-59, 249-53-61.**
**Лицензия: DB 001 №000003**

КЎРГАЗМА

**Пойтахтимиздаги Миллий санъат марказида "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси, Ўзбекистон рассомлари, санъатшунослари ва халқ усталарининг "IJOD" уюшмаси ҳамкорлигида "Bazar-Art-2010" кўргазма-ярмаркаси ташкил этилди. Унда мамлакатимизнинг турли ҳудудларида фаолият кўрсатаётган ҳунарманд ва усталарнинг ижод намуналари намойиш этилмоқда.**

# ҲУНАРМАНДЛАР ИЖОДИГА БАҲО

Юртимизда миллий ҳунармандлик ва халқ амалий санъатини асраб-авайлаш, бу йўналишдаги қадимий мактаб ва анъаналарни тиклаш, равнақ топтириш, ҳунармандларнинг фаолият кўрсатиши учун зарур барча шароит ва имкониятларни яратиш юзасидан кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу эса ҳунармандларнинг янада самарали меҳнат қилишида, уларнинг ижод намуналари юртимиз ва хорижда ўтказилаётган халқаро санъат фестиваллари, кўрик-танловларда муваффақият қозонишида муҳим омил бўлмоқда.

Уста ва ҳунармандларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси фаолиятида муҳим ўрин тутади. Юртимизда ҳар йили анъанавий тарзда ўтказилувчи "Bazar-Art" кўргазма-ярмаркаси шундай тадбирлардандир.

Бу йилги кўргазма-ярмаркада халқ амалий санъати ва ҳунармандликка оид бой миллий меросимизнинг тарихи, мазмун-моҳияти, йўналишларини ёшлар онгу шуурига етказиш, "Устоз-шогирд" анъаналарининг давомийлигини таъминлаш, усталар билан бирга ёш ҳунармандларнинг ижод намуналарини ихлосмандлар эътиборига ҳавола этишга алоҳида аҳамият қаратилди.

Кўргазма-ярмарка давомида турли номинациялар бўйича ғолиблар аниқланади.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

ТУРМУШ ЧОРРАҲАЛАРИДА

# ЕЧИМ

Ҳозиргина қий-чув қилиб кўчада копток ўйнаётган қизалоқлар зум ўтмай, урушиб қолишди.

– Коптогингни бериб тур. Мунча қизғанчиқсан, – деди Зилола Мадинага.

– Ўзларинг мени ўйинга қўшмаяпсизлар. Энди мен ҳам коптогимни бермайман. Буни менга дадам олиб берганлар.

– У сенинг даданг эмас. Сен асрандисан. Ойинг ҳам ўзингникимас, – деди Моҳира.

– Ҳамма гапинг ёлғон! Мен асрандимасман. Ойим ҳам, дадам ҳам ўзимники, – йиғлаб юборди Мадина ва коптогини қучоқлаганча, уйига чопди.

Кўчадан қизчаси йиғлаб келганини кўрган Адиба Мадинани бағрига босиб, нима бўлганини сўради. Ўпкаси тўлиб, ҳиқиллаб йиғлаётган қизалоқ ҳадеганда онасининг саволларига жавоб беролмасди.

– Моҳи мени асрандисан деди. Сизлар ўгай экансизлар. Шу тўғрими? Сизлар мени асраб олгансизларми? – деди жажжи қўлчалари билан кўзёшларини артаркан.

Адиба қизига нима деб жавоб беришни билмай қолди. Чунки йиллар давомида қўрқиб кутгани – ҳақиқатнинг ошкор бўлиши эди. Энди у нима қилади? Мадинага нима дейди?! Тўғри, бу гапни Мадинадан бир умр сир тутмоқчи эмасди, катта бўлганида ҳаммасини ётиғи билан айтмоқчи эди. Аммо айни дамда асранди нима эканлигини тушуниб-тушунмай гапираётган қизчасига ҳозирги айтадиган гапидан бошқаси оғирлик қиларди.

– Нега энди асранди бўларкансан? Ўртоғинг бекор айтибди. Сен мени ҳаммадан яхши, ақлли, доно қизимсан-ку! Наҳотки шу гапларга ишонсанг? Ўзимнинг фариштагинам.

Адиба қизчасини оналарча меҳр билан бағрига босиб, эркалади.

...Адиба билан Меҳриддин севишиб турмуш қуришган. Аммо тақдир уларни бефарзандликда 8 йил синовдан ўтказди. Оилани оила қиладиган, турмушга лаззат бағишлайдиган, эр-хотин ўртасида меҳр-оқибат кўприги бўладиган фарзанднинг дунёга келишига умид қолмагач, икки ёш тақдирга тан берди. Ажрашиб кетса, иккови ҳам фарзандли бўлиши мумкин, дейдиганларнинг гапига қулоқ солмай, чақалоқ асраб олишди. Шундан бери бу мурғак вужуд оиланинг қувончи, Меҳриддин билан Адибанинг овунчоғига айланди.

Адиба қизчасининг юз-қўлларини ювиб, ширинликлар билан сийлади. Ўтган гапларни унутиши учун қизиқ-қизиқ эртаклар айтиб берди. Аммо хаёли масалага ечим топиш билан банд. Бир кўнгли Моҳиранинг онасига учрашсам, қизингиз бу гапларни катталардан эшитган, деб қўшнисини уялтирсам, дейди. Аммо, Матлуба опанинг андишасизлик қилишига кўзи етиб, бу фикрдан қайтди. Маслаҳат сўраш учун Меҳриддинга қўнғироқ қилмоқчи бўлди-ю, аммо эрининг хафа бўлишини ўйлаб, аяди. Ён қўшниси Зеби момога ёрилса, ундан қандай фикр чиқаркин? Шу пайт:

– Мадина, ҳой Мадина. Ўйнайсанми, коптогингни олиб чиқ, – деган овоз келди.

Эшик олдида Моҳира ва Зилола турарди. Мадина ҳам кўзлари ёниб, ўртоқлари томон ошиқди. Болаларга хос бўлган беғуборлик, унутувчанлик ҳозирча, жумбоққа осонгина ечим бўлди...

**Аллома АЗИЗОВА.**

# XXI аср ва дунё



*Дунёнинг янги мўъжизаларидан бири – Истамбулдаги Айя София мажмуаси.*

## ИШ ИЗЛАБ, ЎЛИМ ТОПИШЯПТИ

**2009 йилда Россиядан Тожикистонга 784 та тобут олиб келинди. Мамлакат ички ишлар вазири Абдураҳим Қаҳҳоров матбуот конференциясида шуни маълум қилди.**

Вазирнинг сўзларига қараганда, Россияга иш излаб бораётган тожиклар орасида ўлим кўпайяпти. 2008 йилда Тожикистонга 681 та тобут келтирилган бўлса, 2009 йилда 784 тага етди. Шуниси ажабланарлики, ҳаётдан эрта кўз юмганларнинг 45 нафари ўз ҳамюртлари томонидан ўлдирилди.

Тожикистон ички ишлар вазирлиги Россиянинг Федерал кўчиш хизмати билан ҳамкорликда иш жойларида ҳалок бўлган тожиклар жасадини уйларига жўнатиш учун транспорт харажатларини иш берувчи қоплаши хусусида фикрлашмоқда. Бироқ, вазирнинг айтишича, Россияга яширинча кетганлар жасадини ўз юртларига олиб келишда кўп муаммоларга дуч келинмоқда.

## ЖИНОИЙ МАСЪУЛИЯТСИЗЛИК

**Қирғизистон Республикаси Чуй вилояти Москва туман ички ишлар бўлими бошлиғи Жениш Жоробеков "жиноий масъулиятсизлиги" учун ишдан бўшатилган эди.**

Орадан ўн ойча вақт ўтиб, Петровка қишлоғидаги воқеа бироз унут бўлгач, собиқ раҳбар Жениш Жоробеков мамлакат пойтахти Бишкек шаҳар ички ишлар бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари лавозимини эгаллади. Петровкалик қирғиз, рус ва курд миллатларига мансуб ёшлар ўртасида чиққан жанжал кенг кўламдаги оммавий тартибсизликка айланган эди. Мамлакат президенти Қурманбек Боқиев милиция бошлиқларининг қишлоқдаги тартибсизликни бостиришга бепарво муносабатларини "жиноий масъулиятсизлик" деб баҳолади.

"24. кд" ахборот агентлиги янги биринчи ўринбосар билан боғланиб, унинг президент берган баҳосидан сўнг шундай юқори мансабни эгаллашга ҳақи бор-йўқлигини сўради. Жоробековнинг жавоби қисқа бўлди: "Бу вазирнинг буйруғи, буйруқлар эса муҳокама қилинмайди".

## ЖАНГАРИЛАР ТЕНГ БАРАВАР КАМАЙДИ

**Колумбия инқилобий қуролли кучлари гуруҳларига кирувчи исёнчилар гаров сифатида ушлаб турилган ҳарбийлардан бирини озод этиб, Халқаро Қизил Хоч қўмитаси вакилларига топширдилар.**

Bloomberd агентлиги тарқатган хабарга кўра, куни кеча жангарилар 1997 йилдан буён асирликда бўлган яна бир ҳарбийни озод қилдилар. Инқилобий қуролли кучлар шундай йўл билан жамоатчилик эътиборини ўзларига қаратиб, нуфузларини оширишмоқчи.

Сўнгги маълумотларга қараганда, кейинги саккиз йил давомида исёнчилар сони икки баравар камайди, 2002 йилда президент Альваро Урибе ҳокимият тепасига келгач, жангариларнинг ҳарбийларни ўғирлаб, гаровга олишлари 93 фоизга камайди. Бундан ташқари президент исёнчиларнинг асосий даромад манбаларидан бири бўлган наркотрафикка қарши кураш кўламини ҳам анча кенгайтирди.

## ДЕНГИЗ ҚАРОҚЧИЛАРИ ПАЙИ ҚИРҚИЛДИ

**«Интерфакс» тарқатган хабарда айтилишича, Тинч океани флоти кемалари отряди денгиз қароқчиларига қарши курашда иштирок этиш учун Сомали қирғоқларига келди.**

Бу Африка мугузи қирғоқларига Россия юборган тўртинчи отряддир. Унинг вазифаси олдингилари каби денгиз қароқчиларига қарши саъй-ҳаракатлар орқали кемалар қатнови хавфсизлигини таъминлашдан иборат.

Аввалги Россия кемалари отрядлари денгиз қароқчиларининг 20 дан ортиқ ҳужумларини қайтариб, 26 мамлакатнинг 100 дан зиёд савдо кемалари хавфсизлигини таъминлаган эди. РИА Новости агентлигининг хабарига кўра, янги отряд кемалари бортидаги Ка-32 вертолётлари экипажлари ҳар куни ҳаво разведкаси ўтказиб, отряд командирига қароқчи кемаларнинг манзиллари ва ҳаракат йўналишлари ҳақида маълумот бериб боради.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

# ЁЛҒОН

(Ҳажвия)

Гапнинг тўғрисини айтсам, мен умуман рост гапирмаганман.

Ошнам Абдурайим илтимос билан келиб қолди:

– Коллежнинг директори танишинг, қизимни ўқишга гаплашиб бер.

– Атаганинг борми? – сўрадим орттирган бир сўми йўқлигини билсамда, ёлғондан.

– Биласан-ку... – ўртоғим ярим зарда, ярим илтижо билан қўл силтади. – Ош-пош қилиб берармиз...

– Ош билан иш битмайди. Домланинг кўнглини олиш керак, – обдон ўйлаётгандай, бошимни қашладим. – Топдим, – дедим сўнг. – Директор домла "Илҳомий" тахаллуси билан шеърлар ёзади. Ана шу шеърларидан бирини ёд оласан. Қироат билан ўқиб берасан, домла хурсанд бўлади, қизинг ўқишга киради!

Абдурайим гапларимга ишонайми, ишонмайми, деб беш минутча десам ёлғон бўлару, битта сигаретни чекиб бўлгунимча менга тикилиб турди.

– Бўпти, – деди ошнам, – лекин биласан, адабиёт ўқитувчимиз ўн йилда ҳам менга битта шеърни ёдлатолмаган. Қизим учун ёдлайман. Аммо ўқишга кирмай қолса сени... – дўстим қўлини силтаб, ёлғондан пўписа қилди.

Қизининг иши юришган экан: Абдурайим билан коллежга борсак, директор домла шогирди Халқаро билан ҳовлида турибди.

– Келинглар, келинглар! Фақат газета-журналларда расмларингни кўриб, исмларингни ўқиб юраверамизмикан, дегандик, – деб домла ёлғонни бошлади. У киши билан охирги марта учрашганимиздан буён на расмим, на шеърим матбуотда чиқмаганди-да. – Ўзларингни кўрар кун ҳам бор экан-ку!

Қучоқлашиб, қуюқ ҳол-аҳвол сўрашдик, худди соғиниб, ичикиб қолгандай.

– Энди гап бундай, сизлар Халқаро билан танишсизлар. Бирга боққа ўтиб туринглар, ҳамма гапни ўша ерда гаплашамиз. Мени жиндай ишим бор. Битказиб, орқаларингдан етиб бораман, – деди Илҳомий домла ғирт ёлғондан.

– Бўлди, келишдик, – дедик унинг икки соатсиз бормаслигини билиб турсак-да, ёлғондан.

Халқаро билан эски танишмиз. Тенгқурмиз. Аммо исмини билмайман, рости. "Халқаро" деган тахаллус билан шеърлар ёзади, исмини сўраш ноқулай. Икковимиз боғдаги сўрига ўрнашдик. Абдурайим, "Ёрдам берамиз, биргалашиб пиширамиз!" деган ёлғонларимизга қўл силтаб, қозон бошига кетди.

– Ким бу? – Халқаро унинг ортидан ияги билан имлаб сўради.

– Ўртоғим, яхши йигит.

– Ҳм... – деди Халқаро хўмрайиб. Абдурайим олиб келаётган шишаларга қараб, кулимсираб қўшиб қўйди: – Яхши болага ўхшайди.

Иккаламиз майдалашни, шу билан бирга ёлғонни бошладик.

– Яхши шоирсан, – деди улфатим қадаҳларни тўлдираётганимда. – Сен меҳнатдан қочмаганингда дунёга танилган бўлардинг!

Ўзбек адабиётининг устунига энди айланай деганимда, Илҳомий домла келиб қолди-ю, Халқаро у кишига қучоқ очди:

– Э, устод, устод! Биз ғарибларни йўқлар кунингиз ҳам бор экан-ку! Сиз келиб мусаффолик келгандай, қуёш кўкдан тушгандай бўлди!



Бу ёғи қадаҳлар қадаҳларга, ёлғонлар ёлғонларга уланди. Ниҳоят, Абдурайимга навбат келди. Домланинг ўзлари Халқаронинг кўкка етай деб қолган ёлғонини бўлиб, унга сўз берди:

– Меҳмондан ҳам эшитайлик...

Халқаронинг кайфияти бузилди. Ўртоғимга қараб нимадир деб ғулдиради, аҳамият бермадим. Абдурайим ўрнидан туриб, гап бошлади:

– Мен сўзимни шеър билан бошламоқчиман:

*Тоғ бағрида шўх*
*жилғалар ўйнаб келар,*
*Кўкда қуёш ял-ял ёниб*
*кулиб турар.*

– Ҳов, сен! – деди Халқаро бақириб. – Кимлар билан ўтирганингни биласанми? Мана мен деган шоирлар ўтирибди бу ерда. Қаёқдаги шеърларни айтиб энсамни қотирасан.

Ҳушим учди десам, ёлғон деманг. Ҳанг-манг бўлиб қолдим. Аммо хайриятки, Илҳомий домла ўзларини йўқотмадилар.

– Охиригача эшитайлик, – дедилар оҳиста.

Халқаро ерга туфлаб, сигарет тутатди. Абдурайим менга жавдираб боқди. Кўзимни қисиб, давомини ўқийвер, дегандай ишора қилдим. У яна бошидан тушди:

*Тоғ бағрида шўх жилғалар*
*ўйнаб келар,*
*Кўкда қуёш ял-ял ёниб*
*кулиб турар.*
*Сўзимизга, ўзимизга*
*қарамай ул ой,*
*Айтинг, қачон биз*
*томонга кулиб қарар.*

– Ҳов, бефаросат! – Халқаро ошнам томонга қўл силтаб отилди. – Куракда турмайдиган ўланларинг билан бу ердагиларни ҳақорат қилгани келганмисан ўзи? Йиғиштир, хашаки ашъорларингни! Бу ерда улуғ, буюк шоирлар ўтирибди, каллаваранг!

– Укагинам, охиригача эшитайлик, – деди домла шогирдининг билагидан ушлаб.

– Мен чидолмайман алжирашга ўхшаган бунақа шеърларга! – Халқаро бўш келмади. – Йиғиштирсин!

– Хўп, хўп, йиғиштиради, охиригача ўқиб олсин, – домла яна Абдурайимга мурувват билан имо қилдилар.

Ўртоғим қироатни йиғиштирди – шеърни ўқиб-ўқиб қўяқолди:

*Йиллар ўтди, ойлар*
*ўтди, тоғлар чўкди,*
*Қанча карвон, қанча*
*итлар ҳуриб кетди.*
*Сабр битди, ёш ҳам ўтди,*
*қувват кетди,*
*Айтинг, ул ёр Илҳомийга*
*қачон кулиб боқар.*

Мана шу жойда мўъжиза рўй берди десам, ишонаверинг. Халқаро шарт ўрнидан туриб, бор овозда бақирди:

– Ҳамма ўрнидан турсин! Ҳамма ўрнидан турсин! Шеърнинг ҳамма мазмуни охирги мисрада жамланган экан, менга энди етиб борди. Бу шеърни укамиздан илтимос қиламиз қайта ўқиб беради, биз тик турган ҳолда эшитамиз!

Шеър қайта ўқилди. Халқаро охирги мисра тугагач:

– Дод! – деди. – Мана шеърнинг дурдонаси! Дунё адабиётини безайдиган шеър бўлибди, устод! Янги санъат асари билан қутлайман, устод! – Халқаро Илҳомий домлани қучоқлади. Сўнг Абдурайимга юзланди: – Энди ижозат берсангиз, мана шу шеърни ўқиган тилларингиздан бир ўпсам, акажон!

Ошнам кўзларини пирпиратиб бир менга, бир Илҳомий домлага қаради. Халқаро унинг жавобини ҳам кутмай, ўртоғимга ёпишди.

Қалай? Жиндай ёлғони кўпайиб кетди, дейсизми? Бўлса, бордир. Бироқ Абдурайимнинг қизи коллежда ўқиётгани рост.

**Олчин БЕК.**

**ТВДПИнинг ўзбек мактабларида рус тили ва адабиёти факультетини (503, 504, 505-гуруҳларини) 1980 йилда битирган курсдошлар 2010 йил 10 апрель соат 10.00 да бўладиган учрашувига таклиф этади.**

**Мўлжал: институт биноси ёнида.**

**Тел.:**
**(+99893) 616-84-08,**
**(+99893) 583-04-06.**

Тошкент Давлат туризм касб-ҳунар коллежи томонидан 05.07.2003 йилда Акрамов Жасур Яшинович номига берилган К № 043297 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Утерянный кадастр (реестр № 3-183/2006), выданный ГУРЗОиК г. Ташкента на магазин А9 по адресу: ул. Аль-Хорезми на имя Гофурова Фахриддина Тухтаташевича,

**СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

КУЛГУ КУНИ ҲАЗИЛЛАРИ










ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис:
Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир
Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар:
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 236-55-54.
Эълонлар: 236-55-03, 236-53-54.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Навбатчи муҳаррир Улуғбек ҲАМРОҚУЛОВ
Навбатчи Шоҳруҳ ҲАКИМОВ
Саҳифаловчи Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-240. Адади 12361. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. ISSN 2010-9318.

Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 21.30. 1 3 4 5